

1741 йилда Тошкентда бўлган татар савдогари Шубай Арслоновнинг маълумотларидан: «Тошкент шаҳри калин паҳса девор ва зовур билан ўраб олинган. Шаҳар катталиги жихатидан Козонга тенг келади. Унинг ўн икки дарвозаси бор. Бу ерда иморатлар тартибсиз холда, паҳса девор билан қурилган. Шаҳарда боғлар ва масжидлар кўп. Катта масжидларда хайит кунлари кўпчилик бўлиб намоз ўқилади. Дарвозалар олдида алоҳида хонада миршаб туради. Уларда тўп йўк, узокка отадиган милтик бор, холос. Бундай милтиklar Тошкентда ясалади.

Бу вақтларда Хондайлик, Хўжакент, Паркент, Заркент, Нушния, Номданак, Корамурт, Чимкент ва Сайрам Тошкентга карашли эди. Шаҳарни ўн кишидан иборат Кенгаш бошқарган. Хукумат қароргоҳи Кўкча дарвозаси ёнидаги қалъада иш юритади. Тошкент Бухоро, Самарқанд ва ўлкадаги бошқа шаҳарлардан ташқари Қашқар, Хитой, Хиндистон, Афғонистон, Русия ва бошқа жойлар билан савдо қилади. Тошкентдан Туркистонгача бўлган йўлни юк қарвони олти кунда босиб ўтган, Иргиз дарёсидан Уфагача уч кун, Бухорогача ўн кун, Балхгача йигирма уч кун, Бадахшонгача ўн беш кун юрилган».

(Ҳамид Зиёев, «Тарих ўтмиш ва қелажак кўзгуси», Тошкент, Гафур Гулом нашриёти, 2000 йил, 63-64-бетлар)